ИЛМИЙ ИЖОД – ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Л.А.Қурбонова

В статье рассматривается место и значение творческого мышления в процессе познания, на основе изучения механизмов его проявления и основных направлений.

In this article is considered the philosophical analysis of the place and importance of creative mentality at the knowledge processes.

Илмий ижодий тафаккурнинг ижтимоий хусусиятлари масаласида диққатни янги ғоялар, тасаввур ва тушунчалар ўзига тортади. Бунда уларнинг индивидуал, бетакрор хусусиятга эгалиги, зарурийлиги ва тасодифийлигига ҳамда башорат қилиб бўлмас характердалигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, ижодда иррационал сакрашлар содир бўлади, далиллар ақлий компонентлар томонидан тўлдирилади, оқибатда эса бу жараён мантиқий, қонуний ва узлуксиз тус олади. Лекин илмий тафаккур индивидуал даражадан ижтимоийга, фан тараққиётининг ижтимоий–маданий даражасига кўтарилганда янада кўпроқ аҳамият касб этади. Архимед, Хоразмий, Улуғбек, Коперник, Эйнштейнларнинг кашфиёти фақат индивидуал ва бетакрорми? Бу шахсларсиз бундай кашфиётлар бўлмасмиди? Индивидуал интуициянинг роли шу қадар буюкми ва у илмий ижодий тараққиётни белгилайдиган омилми? Ҳа, илм–фан тарихидаги кўплаб яққол индивидуал кашфиёт ва тасодифий ечимларни эсга олсак, бу саволнинг жавоби унчалик осон эмаслиги аён бўлади. Фанда атоқли олимларнинг ўрни, улар фаолиятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги шубҳасиз.

Шу билан бирга, бир хил ҳодисанинг кўплаб олимлар томонидан бир вақтнинг ўзида кашф этилганлиги билан боғлиқ мисоллар ҳам фан тарихида кўп учрайди. Масалан, Г.Мендель қонунларининг турли жойларда ва йилларда Чермак, Корренс ва де Фризлар томонидан «қайта кашф этилганлиги» бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, биз А.Эйнштейн кашфиётини тан олган ҳолда, А.Пуанкаренинг (1905) шунга ўхшаш ихтироларини ҳам биламиз. Демак, ҳақли равишда энг муҳим фундаментал кашфиётлар тарихан тайёрланади, деб таъкидлаш мумкин. Бунда фақатгина муаммонинг ўзигина тайёрланган эмас, балки ечимининг компонентлари ҳам тайёрланган бўлади. «Қайта кашф этилган»лар туркумига кирувчи далиллар ана шу тайёргарлик билан изоҳланади. Бироқ даҳо кишиларга кашфиёт йўллари тезроқ очилади. Шу муносабат билан В.Дильтейнинг қуйидаги фикрларида жон бор: «Доҳийларга бир дақиқадаёқ ярақлаб кўринган кашфиётларга, унчалик ёрқин бўлмаган талантлар узоқ муддатли ва машаққатли меҳнатлари туфайли аста–секин эришадилар».[2;95.] Дарҳақиқат, фан тарихида ўз давридан бир неча ўн йилликларга ўзиб кетган, кашфиётининг ҳали «вақти етиб келмаган»лиги учун азият чеккан буюк олимлар кўп бўлган. Умуман олганда, фан тарихи тасодиф эмас, балки учраб турадиган ҳодисалардан биридир.

Илмий тафаккур тарихининг қонунийлиги ва мантиқийлиги алоҳида шахслар, кашфиёт ижодкорларининг камситилиши учун асос бўла олмайди. Бу кашфиётчилар муайян янгиликнинг муаллифи эмас экан–да, деган шубҳа уйғонмаслиги лозим. Гап шундаки, айнан уларгина бошқалардан кўра олдинроқ цивилизация эҳтиёжларини ҳис этган ҳолда муаммони кўтариб чиқадилар, унинг моҳиятини англаб, ечимини топадилар. Масалан, Хоразмийнинг математика соҳасидаги индивидуал кашфиётлари, Фарғонийнинг Нил сувини ўлчагичи, Берунийнинг глобуси, Улуғбекнинг «Жидда»сидаги янгиликларда «тарихан тайёрланганлик» ҳолати мавжуд. Бу кашфиётлар осмондан ёмғирдек ёғилмаган ёки ёмғирдан кейинги қўзиқориндек осонгина ўсиб чиқмаган. Бу кашфиётларга етгунча инсоният ижодий тафаккури узоқ йўлни босиб ўтган. Аммо бу хулоса юқорида номлари келтирилган кишиларнинг буюк кашфиётчилар бўлганига асло шубҳа туғдирмайди. Чунки, ижод буюк сир, шунинг билан юксак бахтдир.

Демак, илмий ижодий тафаккурни кўриб чиқиш унинг чуқур индивидуал табиатини, унда тадқиқотчининг юксак иқтидори ва профессионализми катта аҳамиятга эга эканлиги ва айни

пайтда, ижодий тафаккур сирли ҳодиса эмаслигини ҳам кўрсатади. Илмий ижод жараёни индивидуал даражада интуитив ва мантиқийдир, унда зарурият тасодиф билан қўшилиб кетган. Тасодиф интуиция механизмини ишга солиш учун устуворлик қилади, эҳтимолий натижа эса кейинги мантиқийлик билан тўлдирилади. Ижодий тафаккурнинг амалий ва ижтимоий табиати унинг умумий рационал характерини ва объектив дунё мантиғи билан мос равишдаги қонуний тараққиётини таъминлаши мумкинлигини далиллар тасдиқлайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният дунёни билишда ҳеч қачон тасодифлар ва стихиялилик билан қониқиб қўя қолмаган. Фан тараққиётининг барча даврларида илмий ижодий тафаккурга самарали таъсир қилувчи воситаларни излаган.

Илмий ижодий тафаккур маълум доирада бошқарилиши ҳам мумкин. Бу тадқиқотчининг индивидуал қобилиятларини намоён қилиш шароитларига ҳам, қисман, муаммони ечиш эҳтимоллигини оширадиган ижтимоий–маданий характердаги шароитлар, иқтисодий, сиёсий ва умуммаданий омилларга ҳам тегишли бўлган масаладир. Чунончи, ижод инсон руҳий ҳаётидаги энг сирли, жумбоқли, тўлқинлантирадиган, ҳозирги кун учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир.

Бундан ташқари, илмий ижодий тафаккур жараёнида олимлар интуиция ва тасодифнинг ролини хеч бир камситмасдан, энг аввало, унга нисбатан алоҳида ўрин тутадиган, улкан илмий натижалар беришга қодир бўлган ва, айни пайтда, билиш жараёнини интуитив сакрашларга томон етаклаб борадиган ақлий ва мантиқий тадқиқот усулларига таянадилар. Дарҳақиқат, О.Файзуллаев таъкидлаганидек, «Интуиция илмий ходимлардан ташқари, маданиятнинг турли соҳаларида, чунончи, адабий, бадиий ижодкорларда ҳам ижобий натижаларга олиб келади».[3;36] Бу илмий тадқиқотлар жараёнида қатнашадиган мутахассислар учун ҳам, буюк кашфиётчилар учун ҳам умумий тамойилдир. Зеро, ҳеч бўлмаса ўз соҳасининг тарихи, усул ва воситаларидан хабардор бўлмаган кашфиётчини топиш қийин. Шу маънода, ҳар қандай кашфиётчининг ўзидан олдинги билимларга, ўз замонасидаги билиш даражасига таяниши, ўз даври илм–фани далилларига суяниб тадқиқотлар олиб бориши табиий ҳолдир. Бу жараёнда айнан у ёки бу кишининг муайян натижага эришганлиги, муаммони бошқалардан олдинроқ топганлиги, бир томондан, тасодиф, бошқа томондан эса ижтимоий заруриятнинг натижасидан бошқа нарса эмаслиги файласуфлар томонидан аллақачон эътироф этилган.

Гносеологияда ижод жараёни субъектнинг фаол, мутлоқ мақсадга йўналтирилган фаолияти деб эътироф этилади.

Шунингдек, барча фанларнинг ўз методологияси мавжуд. Масалан, алгебра учун Ал–Хоразмий таълимоти, физика фанлари учун Энштейн таълимоти, геометрия фанлари учун Эвклид, механика фанлари учун Ньютон таълимоти, биология учун дарвинизм фани методологиядир. Бу методологиялар маълум даврларда пайдо бўлиб, ривожланиб, ўзгариб борган. Фанлар тарихида бир методология борки, у ўзгармасдир. Бу – фалсафа. Фалсафа барча фанлар учун умумий методологиядир. Шундай экан, илмий ижод ҳам фалсафага суянади. Ижодни тўғри йўлга солувчи, бошқарувчи методологиянинг ўзи илмий бўлиши керак. Демак, ижодий тафаккур жараёнида илмий ижоднинг ўрни беқиёс. Илмий ижод бу — тадқиқотчининг объектга нисбатан йўналтирилган билим ва кўникмалари, тафаккур ҳамда қобилиятининг юқори даражада намоён бўлишидир.

Ижодий тафаккур меҳнатнинг ва инсон ҳаётининг фаол, аниқ омилига айланади. Жамиятда ишлаб чиқарилган бойликнинг ўлчови ижодий тафаккур даражаси, инсон қобилияти, билими, унинг илм–фан ютуқларидан фойдаланиш ва ривожлантириш даражаси билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мулк шакллари самарали фаолият учун восита, холос; жамиятнинг асосий мақсади инсон ва унинг қобилиятларининг ҳар томонлама ривожи, эркин меҳнат ва ижодий тафаккур, яъни инсон шахсининг ўз–ўзини намоён қила олиши, инсон учун бахт ва саодатнинг асоси, деб ҳисоблаш мумкин.

Жамиятни демократлаштириш жараёни ижтимоий муносабатларни ҳаракатлантурувчи куч сифатида амал қилади. Чунки демократик жараёнлар ва аниқ вазифалар ўтиш даврининг объектив заминини ташкил қилади. Янги эҳтиёж ва манфаатларни эски усул ва воситалар билан қондириш мумкин бўлмай қолади. Бу эса мавжуд даврда ижтимоий танглик ҳолатини юзага келтиради. Зеро «бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш ва дунёдаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш зарур».[1; 17.]

Жамиятнинг келажаги бўлмиш ёшларимизда демократик тафаккурнинг юзага келишига ижтимоий муҳитнинг объектив ҳолати бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели», ижтимоий–сиёсий ҳаётни, хусусан, маданий–маънавий соҳани эркинлаштириш жараёнларининг миллий хусусиятлари, тадбиркорликнинг таркиб топиши, хўжалик юритиш усулларининг янгиланиши ўз–ўзидан кишилар ижодий тафаккурининг ўзгаришига хизмат қилади.

Бинобарин, ижодий салоҳият ва иқтидори юксак даражада ривожланган кишиларда ижодий тафаккур тараққий этган бўлиши мутахассислар томонидан қайд қилинган. Аммо ҳаётда бундай кишилар кўплаб учрайди, дейиш қийин. Чунки ижодий тафаккур ва салоҳиятини инсон ҳар доим ҳам намоён қилавермайди. Баъзида бунга шароит бўлмаслиги мумкин. Бу эса ижодий салоҳиятни тўла–тўкис намоён қилиш учун муайян шарт–шароит бўлиши зарурлигини англатади. Шу маънода, мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» айнан мазкур масаланинг ечимига қаратилгани билан диққатга сазовордир. Ушбу йўналишда республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ёшларимиз, қолаверса, бутун жамият аъзолари ижодий тафаккурининг шаклланишига, уларнинг интеллектуал салоҳиятини таъминлайдиган мустаҳкам замин яратаётгани шубҳасиз.

Ижодий тафаккур «ижодий масъулият» ва «ижодий салоҳият» тушунчалари билан узвий боғлиқ ва ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Бунда, аввало, ижодий салоҳият муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ижодий тафаккур инсоннинг муайян мақсадга йўналтирилган фаолиятида намоён бўлувчи интеллектуал қобилияти ва имконияти даражасидир. У фаолиятда намоён бўлиш билан бир қаторда, фаолиятни бошқаради ва унинг юксак самарадорлигини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Дильтей В. Описательная психология. – М.: Наука, 1995
3. Файзуллаев О. Ижод ва интуиция // Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007

Андижон давлат университети,
2009 йил 2 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)